

Х/116

Смета ҳужжати ишлаб чиқиш учун

20/22 -сонли ШАРТНОМА

Навоий ш.

« 22 » июл 2022 й.

Бундан буён **Буюртмачи** деб аталувчи **Навоий вилояти ҳокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси Директор А. Турдиев** орқали ва бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи **«Самойўллойиха» маъсулияти чекланган жамияти директори Н.Норматов** орқали куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1.Буюртмачи куйидаги ишларни топширади, **бажарувчи** эса бажаришни ўз зиммасига олади: **Хатирчи тумани "Дамарик" МФЙ** ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Давлат экспертиза хулосаси харажати билан).

1.2.Бажариладиган ишларни Буюртмачи **Навоий вилояти ҳокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компаниясининг etender.uzex** электрон харид танлов комиссиясининг 22 июл 2022 йилдаги **118957-электрон баённомаси** мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва техник топшириққа асосан амалга оширади.

1.3. Ишларнинг асосий босқичларининг (бундан буён матнда «Ишлар» деб юритилади) таркиби, қиймати, бажарилиш муддатлари мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган куйидаги иловалар билан белгиланади:

- шартнома нархи тўғрисида баённома (1-сон илова);
- лойиҳа ишлари сметаси (2-сон илова).

2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг умумий қиймати **11 290 000 (ўн бир миллион икки юз тўксон минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи мазкур шартнома имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига 15% миқдорда олдиндан тўлаб беради.

2.3. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари орқали ишларни қабул қилиб олади ва қолган 85% миқдоридаги пул маблағлари ғазначилик бошқармаси махсус ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан сўнг 5 банк кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини олади. Бажарувчига тўлашни ўз зиммасига олади.

2.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш шарт.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:


- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонларнинг мажбурияти

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида ўз вақтида бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи смета ҳужжатларини буюртмачига расмий топширган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида смета ҳужжатлари юзасидан буюртмачи эътирозларини қабул қилади.

3.3.Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафта муддат ичида сифат даражасида қайтадан ишларни бажариб беради.



3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.5. Буюртмачи ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида ёрдам курсатиш, **Бажарувчи** билан бажарилган ишларнинг натижаларини келишиш, ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.6. Буюртмачининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотни таркатмаслик бўйича мажбуриятни бажариши шарт.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар тугагандан сўнг **Бажарувчи** **Буюртмачига** ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

6.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

6.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

6.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

6.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

6.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

6.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда

шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1 Ушбу шартнома имзоланиб расмийлаштирилган кундан бошлаб юридик кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати шартнома имзоланиб Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан олинган кундан бошлаб кучга киради ва **31.12.2022** йилга қадар амал қилади.

7.3. **Бажарувчига** бажарилган ишлари учун шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар **Буюртмачи** томонидан тулов миқдори амалга оширилмаган тақдирда (камида олдиндан тўланадиган 15% аванс тулови амалга оширилмаса) шартнома бекор қилинган деб ҳисобланиб, шартномани рўйхатга олиш ҳисобидан чиқарилади.

7.4. Ишларни давом эттириш зарурияти туғилганда **Буюртмачи** томонидан қайтадан ишларни давом эттириш бўйича берилган техник топшириғи ёки хатига асосан ушбу шартномага қўшимча қилишув шартномаси тузиш орқали ишларни давом эттириш мумкин.

8. Тарафларнинг реквизитлари

«БАЖАРУВЧИ»

«Самойўллойтиха» масъулияти чекланган
жамияти

210109 Навоий ш., Низомий кўчаси, 24уй
тел.: 79225-9574,
х/р 2020 8000 8043 5466 9001
АТБ «Ипак йўли» Навоий филиали

МФО 00 199

СТИР 205 234 522

ОКЭД 66 000



Н.Норматов

«БУЮРТМАЧИ»

Навоий вилояти ҳокимияти Ягона
Буюртмачи Хизмати Инжиниринг
Компанияси

Навоий ш., Навоий кўч. 63.

тел: (0 436) 224-08-81

МФО:00014, ИНН:204775508

ОКОНХ: 66000, Ўз.Рес. Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р 23402000300100001010, ХККМ

Марказий банк Тошкент ш.

МФО: 00014 ИНН:201122919

ШХР: 30452186012110170 415129 115094



А.Турдиев

Юрист К.Курбанов

2022 йил «22» июлдаги
20/22-сон шартномага
1-сон илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўйувчилар Хатирчи тумани "Дамарик" МФЙ ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Давлат экспертиза хулосаси харажати билан) учун 2022 йил "22" июлидаги 20/22-сонли шартномага асосан ҚҚС билан 11 290 000 (ўн бир миллион икки юз тўқсон минг) сўм деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БАЖАРУВЧИ»

«Самойўллойиҳа» масъулияти чекланган
жамияти

210109 Навоий ш., Низомий кўчаси, 24уй
тел.: (79) 225-9574,
х/р 2020 8000 8043 5466 9001
АТБ «Ипак йўли» Навоий филиали

МФО 00 199
СТИР 205 234 522
ОКЭД 66 000



Н.Норматов

«БУЮРТМАЧИ»

Навоий вилояти ҳокимияти Ягона
Буюртмачи Хизмати Инжиниринг
Компанияси

Навоий ш., Навоий кўч. 63.
тел: (79) 224-08-81
МФО:00014, ИНН:204775508
ОКОНХ: 66000, Ўз.Рес. Молия
Вазирлиги Ғазначилиги
х/р 23402000300100001010, ХККМ
Марказий банк Тошкент ш.
МФО: 00014 ИНН:201122919



ШХР:

А.Турдиев

2022 йил «22» июлдаги
20/22-сон шартномага
2-сон илова

**Хатирчи тумани "Дамарик" МФЙ ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Давлат экспертиза хулосаси харажати билан)
СМЕТАСИ**

Лойиҳа ташкилотининг номи – **“Самойўллойиҳа” МЧЖ**
Буюртмачи ташкилотининг номи – **Навоий вилояти ҳокимияти Ягона Буюртмачи
Хизмати Инжиниринг Компанияси**

№№ п/п	Виды работ	Обоснование применяемой расценки	Расчет стоимости	Стоимость, тыс.сум
1	2	3	4	5
	Хатирчи тумани "Дамарик" МФЙ ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Давлат экспертиза хулосаси харажати билан)	Положение о порядке определения стоимости ПИР. Утверждено Приказом Министерством строительства РУз № 3190 от 09.09.2019 г. Положение о порядке определения стоимости проектно-изыскательских работ. Утверждено Постановлением Госархитектсстройа РУз №396 от 19.08.2019 г.	Спед = 564,500x2%	11 290,0
	Итого:			11 290,0

Смета бўйича жами ҚҚС билан 11 290 000 (ўн бир миллион икки юз тўқсон минг) сўм.

“Самойўллойиҳа” МЧЖ директори:



Н.Норматов